

Филиппиндаги банкларга исломий хизматлар кўрсатишга рухсат берилди



16:28 / 12 февраль 441

Филиппин давлати Марказий банки (BSP) ислом банкинг бўйича пруденциал («Пруденциал» тушунчаси «назорат» сўзи билан бирга қўлланилганда молия муассасалари фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хатарлар ва муаммоларни бартараф қилишга имкон берувчи масофадан назорат қилиш маъносини англатади) тартибга солиш йўриқномаларини соддалаштирди. Бу ҳақда Fintech News хабар берди.

Киритилган ўзгартиришлар анъанавий банкларнинг барча тоифаларини кенгроқ иштирок этишга ундашга қаратилган бўлиб, уларга Ислом банк бўлинмалари (IBU — Islamic Banking Unit)ни осонроқ ташкил этиш имконини беради.

Янги қоидаларга кўра, ўз банк тоифаси учун белгиланган капитал талабларига жавоб берадиган анъанавий банклар IBU фаолиятини йўлга қўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

Янги иштирокчиларга ёрдам бериш мақсадида, Филиппин Марказий банки ислом банк фаолияти бошланган кундан эътиборан уч йиллик кузатув даврини жорий қилмоқда.

Бу давр мобайнида банклар пруденциал ҳисоботлар учун зарур бўлган маълумотлар талаблари, жумладан қўшимча молиявий ҳисобот пакети

билан танишиб боришлари мумкин бўлади.

Шунингдек, ИВУлардан энди алоҳида ликвидлик (нақд пул оқими барқарорлиги) ҳисоботларини топшириш талаб этилмайди — улар ликвидлик кўрсаткичларини асосий банкнинг умумий ҳисоботларига қўшиб тақдим этишлари мумкин бўлади.

Марказий банк мамлакатдаги бозор ҳали ривожланишнинг дастлабки босқичида эканини ҳисобга олиб, «регулятор талабларга мослашишда кўмак бериш ёндашуви»ни сақлаб қолмоқчи.

Филиппин Марказий банки раҳбари Eli M. Remolona, Jr.нинг таъкидлашича, бу ўзгаришлар «кўпроқ иштирокчиларни жалб қилиш ва Филиппиндаги ислом молия бозорини ривожлантириш», шунингдек, молия тармоғини янада хилма-хил қилиш ва инклюзив иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

[Манба](#)